

ҲУР ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!



Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САЊЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН
ADABIYOTI VA SANATI

2000 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

● 7 январ, №2 (3540) ●

9 январ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Фидокорлар миллий-демократик партиясидан мамлакат Президентлигига номзодли курсатилган Ислам Каримов 6 январ куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.

Учрашуви Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 1-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси Шухрат Жалилов очди.

Ислам Каримовнинг ишончли вакили, Тошкент давлат университети ректори Тўрабек Долимов йиғилганларни Президентликка номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан таништирди. Ишончли вакил Ислам Каримов Мустақиллигимиз асосини, мамлакатимиз тараққиёт йўлини белгилаб берган давлат арбоби эканини, айниқса, унинг бошчилигида пойтахтимиз Тошкент миллий ва замонавий меъморчилик аъёнлари уйғунлашган гузал шаҳарга айлантирилганини таъкидлади.

Учрашувда Ислам Каримов нутқ сузлади.

Пойтахтимиз Тошкентнинг мамлакатимиз сивсий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги макъами, аҳамияти ҳаммамизга аён. Барчамизга қадрдон бўлган бу ашар, гузал ва бетакорор шаҳар нафақат Мустақил давлатимизнинг пойтахти, балки юртимизнинг қиёфасини белгилайдиган, серқувш диврмизнинг бутун кури тароватини ўзида намоён этадиган ватанимиз остоначидир, деди йўлбошимчи.

Ислам Каримов айтиб ўтганидек, шарқ дарвозаси деб ном олган Тошкент фан, маданият, иход, илм-зиё салоҳияти юксак раванг топаган, ватанимиз шухратини бутун дунёга тараннум этадиган маърифий марказ сифатида обрў қозонган, бутун жаҳон миқёсида тан олинган мамлакатимизнинг бун шаҳридир.

Юртимизнинг Тошкент шаҳрининг иқтисодий салоҳияти ҳақида гапирар экан, унинг ривожланган саноати мамлакатимиз раванглигини таъминлашда буннинг асосини қўлади. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички

махсулотининг 16 фоизи, саноат махсулотининг 20 фоизи, ташқи савдо айланмасининг салкам 30 фоизи шаҳар ҳиссасига тўғри келади. Бу ердаги мавжуд 2 минг корхонанинг қарийб 90 фоизи нодавлат секторига тўғри келиши иқтисодийни эркинлаштириш борасидаги ишларимизнинг амалий натижасидир.

Давлатимиз раҳбари АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Германия, Франция, Италия, Туркия ва бошқа кўпгина давлатлар билан ҳамкорликда барпо этилган «ЎзКейстрактор», «ЎзСматана», «ЎзБАТ», «Кокакола», «Спектр», «ЎзТексано», «ЎзДЭУ электроникс», «ЎзСамсунг электроникс», «Кабул-Ўзбек компани» каби корхоналар сифатли махсулотлар ишлаб чиқариш билан мамлакатимиз салоҳиятини ошириш, иқтисодийни ривожлантиришга хизмат қилаётганини айтди.

Мустақиллик йилларида Тошкент том маънода бунёдкорлик марказига айланди. Бу ерда узига хос меъморий мактаб яратилди. Кейинги йилларда қад ростилаган мухташам бинолар, барча қулайликларга эга бўлган боzorлар, кенг ва мустақам кўприklar, кукаламзор боғлару майдонлар шохримиз қурқига-қурқ қушиб турибди.

Маҳаллий узини ўзи бошқариш органларининг жамият бошқарувидаги макъамини ошириш масаласи ҳақида гапирар экан, Ислам Каримов орадада халқимизнинг миллий табиати, азалий анъаналарига асосланган маҳалла бошқарувининг урни беқийсизлиги, бун пойтахтимизда ташкил этилган 445 маҳалла фаолиятида яққол куриш мумкинлигига эътиборини қаратди.

Давлатимиз раҳбари пойтахт коммунал хизмат қўрастиш соҳасида кейинги йилларда анча ишлар қилинганини айтиб ўтди. Шаҳар бўйича иситиш тармоқлари 327 километрга, газ тармоқлари 1000 километрга, водопровод тармоқлари 250 километрга, канализация тармоқлари эса 600 километрга

Абдулла ТУРДИЕВ ЭЛИ СЕВГАН ЮРТБОШИМ

Ҳар эзгулик бошлангай «Бисмилло»дан, азизлар,
Бу юртинг остоначи — о, тиллодан, азизлар,
Не бахт, бир Кочонага илк гишти кўйдик бизлар —
Эли севган Юртбошим, эли суйган Юртбошим.


Юрагимда муқаддас «Ватан» деган бир сўз бор,
Шу Ватан деб лаҳзада жон берман мен юз бор.
Келажоги буюқдир — Ўзбекистон... о, Сиз бор —
Эли суйган Юртбошим, эли севган Юртбошим.

Ҳикмат англиг пурмаъно кўёш ўлган гоёси,
Эзгулик қўрғонлари минг йиллик ҳамсоёси.
Иншоолло, Оллоҳнинг ердаги чин соёси —
Эли севган Юртбошим, эли суйган Юртбошим.

Ағёрларнинг қўйинида, водаринго, тош бордир,
«Шу тошларга жон — қалқон...» — дер кексаю ёш бордир.
МУСТАҚИЛЛИК — бизнингдир, токи омон бош бордир —
Эли суйган Юртбошим, эли севган Юртбошим.

ИСТИҚЛОЛ эпкинлари хур-хур адир, бўзларда —
Келажакка ишонч бор тийран нигох, кўзларда.
Чўнг ифтихор туйғуси камалак ранг сўзларда —
Эли севган Юртбошим, эли суйган Юртбошим.

Анбарофини айлади Сизнинг ном ИСТИҚОЛНИ,
Кўз-кўз этгай бутун халқ Сиз эҳкан нав-ниҳолни.
Кафтада тутиб турибсиз энг порлоқ ИСТИҚОЛНИ —
Эли суйган Юртбошим, эли суйган Юртбошим.



ИСТИҚЛОЛ МЕЪМОРИ

Жаҳон ахборот агентликлари Янги йил арафасида муҳим бир хушxabарни тарқатдилар. Би-Би-Си жаҳон хизмати ўзбек бўлимини шу йил октябр ойида ўз тингловчилари орасида Ўзбекистоннинг XX аср инсонини аниқлаб бўйича сўров ўтказган. Анашу сўров якунларига қўра Ўзбекистон мустақиллигининг асосини, ўзбек миллий давлатчилиги, миллий иқтисодий пойдеворининг бунёдкори, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти сафларида муносиб ўринни эгаллаши йўлида жонбозлик қўрсатаётган, ўзбек номини бутун дунёга маърифатпарвар, савоатпеша, бағри кенг халқ сифатида танитиб келайтган Ислам Каримов «Аср инсони» деб топилган...

СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИГА АРМУҒОН

Ўзбекистон истиклол тўғрисида янги даврга қадам қўйди. Янги давр, мамлакатнинг келажоги, энг аввало, ўз Ватанига содиқ, мард ва фидоий, замонавий фан-техника ютуқларидан боҳабар, лўнда қилиб айтганда, янги авлодга, баркамол ёшларга боғлиқ. Кучли ва буюқ давлат, юксак даражада ривожланган демократик жамият куриш йўлидан бораётган Ўзбекистонимизда мустақиллигининг илк йилларидан қўра соғлом ва баркамол авлод тарбиялаш давлат аҳамиятига молик вазифа деб белгиловчи бежиз эмас. «Биз коммул инсон тарбиясини давлат сизатининг устувор сифати деб эълон қилганимиз. — дейди юртбошимиз И. А. Каримов. — Комил инсон деганда биз, аввало онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз».

Зеро, Президентимиз айтганидек, буюқ давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодига кура олади. Соғлом авлод тарбияси учун давлатимиз барча икониятларни ишга соломқода. Иқтидорли талабалар жаҳоннинг энг нуфузли университетларида уқитилмоқда, замонавий лицей ва коллежлар, ҳуку юртлари очилмоқда, кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилмоқда.

Соғлом авлод йилида бу соҳадаги ишлар янада ривож топади. Юртбошимизнинг ёшлар ҳақидаги, уларнинг тарбияси, келажакни яратишдаги масъулияти, вазифалари хусусидаги фикрлари мамлакат истиклолига масъул кишилар учун яхши бир йўлнамидир. Ўзбекистон Президенти ҳузуринда Давлат ва жамият қурилиш академиясининг «Академия» нашриёти томонидан Соғлом авлод йилига қизиқ азмуғон сифатида чоп этилган «Умидим — ёшлар» муъжаз китобидан И. А. Каримовнинг ёшлар, соғлом авлод тарбияси хусусидаги фикрлари жой олган. Соғлом авлод ёшларига оид фотосуратлар билан беэтилган. Китобга барча ёшларимизнинг ҳамроҳи ва буюқ келажак сари улуг йўлида йўлдош бўлади, деган умиддамиз.

Комфирқа давридаги катта йиғилишлардан биринчи Марказқўмнинг иккинчи қотиби — уша йиллари республикага «тартиб» урнатиш учун келган, ўзи билан бирга касбининг девярли тайини йук кунгилуҳини ҳам бошлаб келган раҳбар бирданги зивилларга ташланиб қолди. Ҳақорат даражасидаги гапларни, ибораларни айтишдан ҳам тап тортмади. Қутилмаган бу зарбадан ҳамма даянгу манг эди. Бирор киши бир нима ҳайшга журъат эга олмади. Чунки у — Ўзбекистонга «маънавий тартиб» урнатиш учун келган зот, қиличчи авёсиз қайраб турарди. Айтгани айтган, дегани деган эди. Шунда номи ҳали кўпчилиги у қадар таниш эмас, аммо қатъияти, мустақил фикрлари билан бошқалардан ажралиб турадиган ёш ваазирлардан бири... қутилмаганда шаксан «уртоқ иккинчи»нинг узига эътироз билдирди: «Зиёлининг жигига тегиш керак эмас...»

Луқма ташлаган ва ёзувчи-шоирлар билан ишлаш нақадар муҳим эканлигини дадил айти олмади киши — Ислам Каримов эди.

Москвада Горбачев жаноблари жонжаҳди билан собиқ империянинг дарз кета бошлаган иморатини сақлаб қолишга уринаётган бир пайтда Ислам Каримов республика бўлимидаги йиғилиш минбаридан туриб «Марксизм-ленинизм деган тавлимот энди йўқ, таъмом, вассалом, инсоният бу сохта гоғдан батамом халос булди» деб айтган, айта олган ва бу билан собиқ марказдаги қўлбал даҳоларини маъсул, шу яқин атрофлардаги майда қўлбал даҳочаларни ҳам ҳайратга солган эди. Уша йиллари «Ўзбекистон адабиёти ва сазнайти» газетасида эълон қилинган «Инқилоб хиббониди Карл Маркс ҳайкали урнига бобомиз Амир Темур ҳайкалини урнатилайки» деган тақлиф ёки адабиёт газетасининг нашрлар орасида биринчи бўлиб «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» шioriдан воз кечиши Шўро мафкурачиларини нечоғли талвасига солган бўлса, Ислам Каримовнинг бу эътирофи жамиятда гегемонлик ҳолатини сақлаб қолиш учун ҳамон жангу жадал олиб бораётган комфирқа учун бомбадай бир гап бўлганди.

Ислам Каримов ушанда дунёда тамомла янги бир давр бошланганлигини, инсоният буюқ бир утиш даври остоначига яқинлашиб қолганлигини бошқалардан кура аввалроқ, теранроқ пайқаган эди.

Ҳалқоро мавзуларга қизиқадиган, дунёвий воқеаларни кузатиб, урни келганда баъзи мулоҳазаларини қозоғига тушириб келайтган бир журналист сифатида қулдан бир нарсасга эътибор берман — янгидан ташкил топган давлатларнинг раҳбарлари ўз давлатлари Бирлшган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлишга, шу муътабар ташкилот Бош Ассамблеяси минбаридан туриб нутқ сузлашад. Жуда қизиқ давом этадиган бу маърузада нутқ жаҳон ҳамжамиятига узини, давлатини, миллатини таништириши, дунёвий жаравларга муносабат билдириши, мамлакатни ва халқ олдида турган вазифаларини баён этиши керак. Айтиш жоизки, бу — ута масъулиятли ва мураккаб вазифа. Бутун дунё, давлат-

ЯРАТГАННИНГ ЧНЪОМВ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм! Оламлар роббиси, еру қўқининг яна яратувчиси бўлиш ул Ҳақийми Зулжалолга бевадо шукроналар ҳамда Ҳабибуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга дуру саломлар бўлсинки, мана бугун биз бани инсон учун Аза ва Жалла томонидан инъом этилган улуг байрам, айёмларнинг энг гузали бўлиш йилу-фитр, Рамазон айёми арафасида турибмиз. Иншооллоҳ Коиноту Муғлаб бизга мана шундай байрамларни доимий равишда, қувончли ҳолда насиб этиб турисин. Чинакамга биз азиз биродарлар ниҳоятда бир савобли, бахтли, саодатли арафасида турибмиз. 30 кун давом этган поканиш даврининг ниҳояси, 30 кунлик жисман ва руҳан тозалини ҳамда буюқ бир ибодатнинг ниҳояси, шукронаси бўлиш ҳайит қулларига Ҳудога шукр, омонликда этиб келдик.

Ҳайит — бу хурсандчилик ва қувонч, меҳр ва шафқат, биродарлик ва инюқлик, аҳиллик кунидир. Бу кунда кўчаларда, оилаларда хурсандчиликни намойиш қилиш, очик чехрани курастиб жамики инсонларга ниҳоятда сазимийлик билан «Ас саламу алайкум» деб сихатлик тилаб кунглини кутармоқлик динимиз суннатларидандир. Мухими, мана шу кун Аллоҳ учун сидқиқидилдан қилган ибодатимиз тўғрисида юксак эҳтиром ва инъомга эришиш имкони туғилади. Аллоҳ таоло марҳамат қиладирки:

Мангу лаҳза «ЯШАМОҚ — ИНТИЛИШ, ЮКСАЛИШ, ЧАҚНАШ»

10 январ — ўзбек халқи тарихининг нузли сонияларидан бири. Шу куни Мусо Тошмуҳаммад угли Ойбек таваллуд топган. 2000 йилнинг 10 январида Ойбек туғилган кунга 95 йил тулади.

Бугун Сизнинг эътиборингизга илк бош хавола этилаётган сурат 1947 йилнинг апрел ойида олинган. Бу вақтда у эзининг икки буюқ романини яратган, академик, лауреат, депутат сингари унвонларга эришган машҳур адиб эди. Шунинг учун ҳам адиб А. А. Фаздева раҳбарлигидаги депутатлардан иборат делегация таркибида Шекспир ватанига юборилган.

Шу воқеадан қарийб 10 йил аввал Ойбек миллатчи сифатида Тил ва адабиёт институти ҳамда Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдалган, фақат камбағал оилдан чиққанлиги учунгина қатогон туқидан омон қолган. Лекин унинг озодлигиди ҳақида билан қатогон қурбон-

лари ҳақи ўртасидаги фарқ унчалик катта бўлмагани аниқ. Бунга жабрдийда адибнинг 1937 йили ёзган куйидаги шерида ҳам билас бўлади:

Майли мен энг хор-зор
Бир одам бўлай,
Майли мен минг қулфат,
Гамга қўйлай,
Майли мен оғуни ҳар
Дамда ютай,
Лекин юрагимга чанг
Солма, гаддор!

Зулмга бўйсунинг
Нақадар оғир,
Ичимни жаҳаннам оташ
Гажир,
Қўларим ҳаётда ўлим
Ахтарур,
Зулмини енгмасанг, нима
Чора бора?

Ойбек зулмин ижод билан янги. Кўёш қораймаслигига ишонч. Асарлари «Беловн мамлакат» худудларини ҳатлаб, хорихий оламга этиб борди. Урта Осий халқлари маданиятининг жонли тимсолига айланган адиб 1947 йили кукамлда Кембриж ва Оксфорд университетлари профессорлари даврасида ўзбек адабиёти ҳақида суҳбатлар ўтказди.

Сиз кураётган сурат Англиядаги машҳур университетлардан бирининг кутубонасида олинган. Ҳамроҳларидан илғорлаб кетган адиб муътабар китоблардан иборат жавонларни қулдан кенчар экан, орадан 50 йил ҳам ўтмай, ёш ўзбек йигит ва қизлари шу ерларга келиб, шу китобларни талаба сифатида ўқиши мумкин эканлигини ҳавлига ҳам келтирмаган, албатта. Худди шунингдек, орадан бор-йўри 3 йил ўтиб, қатогоннинг иккинчи туқидини даврида «душларнинг холис хизматлари билан тилдан қолиши ва узоқ йиллар тушакбанд бўлиши мумкинлиги адибнинг тушига ҳам кирмаган.

Лекин Ойбекинг бу китобларни қурб, яшадан мақсад ижод этиш, авлодларга



«Яшмоқ — интилиш, юксалиш, чакнаш» деган сўзларнинг узига шўро қўлиб олган адиб она халқи билан бирга абадий яшайди.

Наим КАРИМОВ

2-бет

